# Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

ҲАҚСЕВАР ОНА ЮРТ, МАНГУ БЎЛ ОБОД!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2021 йил
**20 март**
ШАНБА
**№ 22** (13375)

@haqiqatonline

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ АҲОЛИГА МУНОСИБ ШАРОИТ ЯРАТИШ НУҚТАИ НАЗАРИДАН ЎЗГАРАДИ

***Президент Шавкат Мирзиёев 18 март куни Тошкент вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, йирик корхоналар фаолияти билан танишди, аҳоли билан мулоқот қилди.***

Давлатимиз раҳбари дастлаб Чиноз тумани сув хўжалигида амалга оширилаётган ишларни кўздан кечирди.

Маълумки, глобал иқлим ўзгариши туфайли сув ресурслари тақчиллиги йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Сўнгги 50 йил давомида Марказий Осиёдаги музликлар майдони тахминан 30 фоизга қисқарган. Қишлоқ хўжалиги экинлари асосан эгатлаб суғорилмоқда. Кўп ерлар лазерли ускуна билан текисланмаган. Коллектор-дренаж тармоқлари эскирган. Буларнинг оқибатида сув жуда кўп исроф бўлмоқда.

Лекин айни пайтда аҳоли сони ўсиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаб ортмоқда.

Шу боис давлатимиз раҳбари сувни тежаш, унинг аниқ ҳисобини юритиш ва самарали фойдаланиш зарурлигини доим таъкидлаб келади. 2020 йил 10 июлдаги Президент фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясида шу борадаги барча масалалар ўз ифодасини топган. Ушбу концепцияга мувофиқ, жорий йил 24 февралда сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг уч йиллик стратегияси қабул қилинди. Унда сув тежовчи технологияларни жорий қилишни кенгайтириш ва давлат томонидан рағбатлантириб бориш, бу соҳага хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича аниқ вазифалар белгиланган.

Чиноз тумани Янгиобод қишлоғидаги экин майдони айнан шундай ишлар натижаси. Бу жойда 1 миллион 350 минг доллар инвестиция эвазига 850 гектар ер қайта ўзлаштирилган. Жами 202 минг куб метр сиғимга эга 3 та сув ҳавзаси барпо этилиб, экинларни томчилатиб суғориш йўлга қўйилган.

Янги қўриқ ернинг 702 гектарига қўшқатор усулда, плёнка остида “Андижон-72” навли пахта экилади. Бунинг учун замонавий сеялкалар олиб келинган. Улар чигит экиш билан бир вақтда томчилатиб суғориш шлангларини ўрнатиб, плёнка билан ёпиб кетади.

148 гектарда экспортбоп полиз маҳсулотлари етиштирилади. Жумладан, унинг бир қисми ишсиз ёшларга бўлиб берилади.

– Экишдан олдин сотишни ўйлаш керак. Ерни тадбиркорга бериш зарур. Чунки у бозорни билади, рақобатни билади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Қайта фойдаланишга киритилган бу ерларда 220 киши доимий, 1 минг 200 дан зиёд аҳоли мавсумий иш билан таъминланади.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Чиноз туманидаги “Эшонобод” маҳалласини бориб кўрди.

Бу ерда 3 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Уларга муносиб турмуш шароитлари яратиш мақсадида “Обод қишлоқ” дастури доирасида уйлар, мактаблар, йўллар ва коммунал тармоқлар таъмирланиб, замонавий маданият саройи барпо этилди.

Файзобод кўчасида қад ростлаган маҳалла марказида “Обод ва хавфсиз маҳалла”, “Маҳалла раиси – ислоҳотчи” тамойиллари асосида фуқаролар билан ишлаш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш бўйича янги тизимни самарали жорий этиш учун барча имконият яратилган. Бинода маҳалла фуқаролар йиғини раиси, унинг ўринбосари ва турли йўналишлар бўйича маслаҳатчилари, профилактика инспектори ўзаро уйғун ва самарали фаолият кўрсатади.

Аҳоли, айниқса, ёшларнинг китобхонлик маданиятини юксалтириш, дам олиш шароитларини яхшилаш учун “Китобхонлар боғи”нинг барпо қилингани – маҳалла ҳаётида катта воқеа бўлди. Бу хиёбон – мамлакатимиз ва жаҳондаги энг нодир меъморий обидаларнинг ихчам макетларини ўзида мужассам этган.

Давлатимиз раҳбари шу ерда маҳалланинг турли миллатга мансуб вакиллари билан суҳбатлашди.

– Бугун келишимдан мақсад – Тошкент вилоятида ҳам замонга муносиб шароит яратиш. Вилоятда салкам 3 миллион аҳоли бор. 150 минг нафари ишсиз. Шунинг учун ҳар бир маҳалладаги «ўсиш нуқталари»ни топиб, шунга жавобгарларни белгилаб, керакли маблағларни бериб, одамларни иш билан таъминлашимиз керак. Ичимлик суви, электр энергияси, йўл, таълим ва бошқа шароитларни яхшилаш зарур. Бу мақсадлар, йирик ва ўрта лойиҳалар учун вилоятга 119 триллион сўм йўналтирилади. Ҳали ҳеч бир вилоятда бундай марра олинмаган, – деди Президент.

Мулоқотда Чиноз туманидаги ўзгаришлар, имкониятлар ҳақида ҳам гапирилди.

– Ўзи Чиноз туманида ишсиз бўлиши керак эмас. Ери кенг, одамлари меҳнаткаш. Ҳар бир уйда, ҳар бир кўчада маданият бўлиши керак. Халқимиз айтганидек, олма пиш, оғзимга туш, деган билан натижа бўлмайди. Биргаликда ҳаракат қилишимиз зарур. Ўзгаришларни истасак, ҳаммамиз онгли равишда ўзгаришимиз керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Маҳаллада давлат хизматлари маркази шохобчаси, банк филиали, тиббиёт пункти, тикувчилик корхонаси ҳам ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари «Қўжакент текстиль груп» корхонасидаги иш жараёнини кўздан кечирди.

Бу ерда икки сменада 500 нафар хотин-қиз ишламоқда. Охирги бир ярим ойда 100 минг долларлик тайёр кийимлар экспорт қилинган. Корхонанинг ўзида тикиш-бичишни ўргатувчи 200 ўринли ўқув маркази ҳам очилган.

Мутасаддиларга тадбиркорларга кўмаклашиб, бино ва маблағлар ажратиб, бундай кичик корхоналарни кўпайтириш ва 3 минг нафар хотин-қизни иш билан таъминлаш бўйича кўрсатма берилди.

“Маҳаллабай” тизими асосида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумот берилди. Энг аввало, одамларни ташвишлантираётган муайян масалалар аниқланди. Булар сув, йўллар, чироқ, бандлик масалаларидир. Мавҳум, узоқ муддатга мўлжалланган эмас, 3-6 ойлик дастурлар ишлаб чиқилади.

Агар дастурлар тўлиқ амалга оширилса бир йилдан сўнг мавжуд муаммоларнинг каттагина қисми ҳал этилади, камбағалликни қисқартиришга эришилади.

Президентимиз шу ерда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманидаги “TCT Cluster” кластери томонидан бунёд этилган шолини қайта ишлаш заводи фаолияти билан танишди.

“TCT Rice” номли ушбу масъулияти чекланган жамиятда шоли етиштириш ва уни чуқур қайта ишлаш бўйича тўлиқ саноат занжири яратилган. Ўтган йили 2,6 минг гектардан ортиқ ерда “Лазурний”, “Искандар”, “Мустақиллик”, “Нукус” навларидан мўл ҳосил етиштирилган.

**(Давоми 2-саҳифада)**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг**
**Ф А Р М О Н И**

## Д. А. ХИДОЯТОВНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ Даврон Абдулпаттахович Хидоятов Тошкент вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2021 йил 19 март

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожи, йирик лойиҳалар билан танишиш, аҳоли билан мулоқот қилиш мақсадида 18-19 март кунлари Тошкент вилоятида бўлди.**

**Нурафшон шаҳрида 19 март куни халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.**

**Сессияда Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.**

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида йиғилганларни яқинлашиб келаётган Наврўз байрами билан табриклади. Тошкент вилояти мамлакатимиз тараққиётида етакчи ўрин тутишини таъкидлади.

– Тошкент вилоятида саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо, хизмат кўрсатиш бўйича улкан салоҳият бор. Шунинг учун вилоятга жуда катта марра қўйганмиз. Лекин, шунга яраша натижа сезилмаяпти, ўрта бўғин раҳбарлари «аравани тортолмаяпти». Энди бизга фақат пахта, ғалла деб юраверадиган ҳокимлар керак эмас. Пахта билан ғаллани манфаат қилиши керак. Ҳоким эса ҳозирги замонга муносиб, устувор йўналишларни яхши биладиган ва жой-жойига қўядиган, вилоятдаги 2 миллион 994 минг аҳолини рози қиладиган бўлиши зарур, – деди Шавкат Мирзиёев.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Давлатимиз раҳбари Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажариб келаётган Даврон Ҳидоятов номзодини вилоят ҳокими лавозимига тавсия этди.

Д. Ҳидоятов 1976 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1996-2009 йилларда банк тизимида, 2014 йилгача автосаноат тармоғида фаолият юритган. 2014-2020 йилларда Хусусийлаштириш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси, Чилонзор тумани ҳокими, Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари лавозимларида ишлаган.

Халқ депутатлари, вилоят фаоллари сўзга чиқиб, номзод ҳақида фикрларини билдирди. Овозга қўйиш натижаларига кўра, Даврон Ҳидоятов Тошкент вилоятининг ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда вилоятни комплекс ривожлантириш бўйича асосий йўналиш ва вазифалар муҳокама қилинди.

Аввало аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш масалаларига эътибор қаратилди. Вилоятдаги 1 минг 48 та маҳалла билан манзилли ишлаб, «ўсиш нуқталари»ни ҳаётга татбиқ этиш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг даромади ва харид қобилиятини ошириш бўйича вазифалар қўйилди.

2021-2022 йилларда саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида жами қиймати қарийб 120 триллион сўм бўлган 1 минг 108 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши таъкидланди. Уларнинг 1 минг 60 таси ҳудудий, 48 таси йирик тармоқлар лойиҳаларидир. Буларнинг натижасида 52 мингта янги иш ўрни яратиш мақсад қилинган.

Давлатимиз раҳбари кон-металлургия, энергетика, тўқимачилик, кимё, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари саноати, қишлоқ хўжалиги ва туризм вилоят иқтисодиётида асосий драйвер бўлиши кераклигини таъкидлади.

Жумладан, жорий йилда Туркия компанияларининг 450 миллион доллар тўғридан-тўғри инвестицияси ҳисобига Қибрай туманида умумий қуввати 710 мегаватт бўлган иккита иссиқлик электр станцияси ишга туширилади. Шунингдек, Бўстонлиқда 1 миллиард 48 миллион доллар сармоя эвазига жами қуввати 540 мегаватт бўлган иккита гидроэлектр станцияси қурилиши режалаштирилган.

Мутасаддиларга вилоятда 14 та янги кичик саноат зонаси ташкил этиш, фойдаланилмаётган 18 норуда конлар негизида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича кўрсатмалар берилди.

Чирчиқ шаҳрини замонавий инновациялар ва инвестициялар шаҳрига айлантириш, шу намуна асосида вилоятнинг бошқа шаҳарларини ҳам комплекс ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

16 минг гектарда боғ ва токзорлар барпо этиш, қишлоқ хўжалигини саноатлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Ижтимоий соҳаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, мактабгача таълим қамровини кенгайтириш, мактабларни таъмирлаш, 4 та туманлараро тиббиёт маркази ташкил этиб, гемодиализ хизматларини йўлга қўйиш вазифалари кўрсатиб ўтилди.

Кўп қаватли уйлар, йўллар, ичимлик суви тармоқлари қуриб, қишлоқ ва маҳаллалардаги турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар маълум қилинди.

Мутасадди раҳбарлар Президент айтган устувор вазифалар ижросини ташкил этиш юзасидан халқ депутатлари олдида ҳисобот берди.

Давлатимиз раҳбари шаҳар ва туман студияларидаги аҳоли билан суҳбатлашиб, улар билдирган таклифларни қўллаб-қувватлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Нурафшон шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик лойиҳалари билан танишди.

Маълумки, 2017 йил Тошкент вилояти маркази Нурафшон шаҳрига кўчирилган, давлатимиз раҳбари 2019 йили бу ерга келганида замонавий мажмуалар барпо этиш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Бу галги ташриф чоғида бажарилган ишлар кўздан кечирилди. Давлатимиз раҳбарига Нурафшон шаҳрининг Бош режасига мувофиқ амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот берилди.

Бугунги кунда Тошкент йўли кўчаси кенгайтирилиб, унинг икки томонида 42 объект фойдаланишга топширилган. Айни пайтда бунёдкорлик ишлари изчил давом этмоқда. Илгариги бир қаватли эски иморатлар ўрнида 7 ва 9 қаватли уйлар, маъмурий бинолар, бизнес марказлар, меҳмонхона, тиббиёт ва таълим муассасалари, гипермаркетлар қурилмоқда.

Тошкент вилоятида маданият, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари юзасидан тақдимот ўтказилди.

Президент мактаб ва боғчаларни қуриш билан бирга таълим мазмунини бойитиш, энди қамровдан сифатга ўтиш кераклигини таъкидлади. Аҳоли келишига қулай жойда замонавий шифохона ташкил этиб ҳамда уни клиник база қилиб, малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича топшириқ берди.

**ЎзА**

**Шукуҳ**

## Боқий қадриятлар “ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ”



***Наврўз – янгиланиш, яшариш байрами, деймиз.***

***Бу кунда ота-боболаримиз, буви-момоларимиз байрамни нишонлаб, турли-туман, ранг-баранг удум ва маросимлар ўтказишган. Масалан, қадимда аждодларимиз Наврўз кунлари қишки манзиллари – қишлоқлардан ёзги меҳнат ва ҳордиқ масканлари – ёзлоқларга кўчиб ўтишган. Далаларда баҳорги экин-тикин ишлари бошланиб кетган. Деҳқонлар ерга қўш солган, жамоа-жамоа бўлиб, ҳашарлар уюштирилган. Бундан ташқари, оммавий равишда мевали ҳамда манзарали дарахтлар ўтқазиш ҳам анъана тусига кирган. Далаларда, ёзлоқларда янги ҳаёт қайнаган. Аждодларимиз Наврўз байрамига атаб махсус кийимлар тикишган ва уларни кийиб, байрам қилишган.***

2

**Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигига**

## Шиор баҳона қурилган СУҲБАТ...

**Президентимизнинг Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ва Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг қутлуғ саналарини муносиб нишонлаш бўйича қабул қилинган қарорларини, айтиш керакки, жамоатчилик катта мамнуният билан кутиб олди. Зеро, уларнинг халқимиз олдидаги хизматлари шундай эътиборга муносибдир.**



3

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ АҲОЛИГА МУНОСИБ ШАРОИТ ЯРАТИШ НУҚТАИ НАЗАРИДАН ЎЗГАРАДИ

Айтиш жоизки, илгари шоликорлар фаолияти тарқоқ бўлгани учун тузук даромад ололмасди. Айниқса, шолини қайта ишлашда кўплаб муаммоларга дуч келинарди.

2021 йил 2 февралдаги “Шоли етиштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қароридан сўнг соҳада ўзгаришлар бошланди.

“TCT Rice” мажмуаси майдони ҳам илгари ташландиқ жой эди. 27 миллиард сўмликдан зиёд лойиҳа туфайли ушбу 6 гектар ҳудудда замонавий мажмуа барпо этилди. У хирмон майдони, умумий сиғими 15 минг тонналик 2 та ёпиқ омбор, шолини тозалаш ва қуритиш цехи ҳамда қайта ишлаш заводини ўз ичига олган.

Шолини тозалаш ва қуритиш цехи тўртта линия билан жиҳозланган. Уларнинг ҳар бири орқали бир сменада 120 тонна шолини қуритиш имкони бор. Бу ерда бошқа дуккакли маҳсулотларни тозалаш ва қуритиш ҳам мумкин.

Шолини қайта ишлаш заводи Туркиянинг “Yashar Makina” компанияси ускуналари билан жиҳозланган. Улар ёрдамида энг юқори навдаги гуруч маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Чунки “ақлли” ускуналар гуручни нафақат катта-кичиклиги, балки ранги бўйича ҳам саралайди.

Ҳозирги пайтда завод бир йилда 40 минг тонна маҳсулотни қайта ишлаш қувватига эга. Истиқболда режалаштирилган иккинчи босқич ҳам ишга туширилгач, корхона қуввати икки баробарга ортади.

Бу ерда замонавий лаборатория ҳам бор. Қабул қилинаётган шолининг намлиги, қуритиш ва қайта ишлаш жараёнлари, шунингдек, гуруч маҳсулотларининг сифат кўрсаткичлари доимий назорат қилиб борилади.

“Даладан дастурхонгача” тамойили асосида иш юритаётган шоличилик кластерида жорий йилда ҳосилдорликни 60 центнердан ошириш, хорижга 100 минг АҚШ доллари миқдорида гуруч экспорт қилиш режалаштирилган.

“TCT Rice” корхонасида 365 нафар, умуман, кластерда 8 минг 750 нафар аҳоли ишламоқда.

– Мана, инсон ҳуқуқлари деймиз. Энг катта ҳуқуқлардан бири – иш билан таъминланиш. Бизнинг ҳамма ҳаракатларимиз шунга қаратилган. Одамларни ишли қилсак, аҳоли жон бошига даромадни кўпайтирсак, сотиб олиш қобилияти ошса, бошқа ҳамма ҳуқуқлар ўзи жой-жойига тушади. Шунинг учун Тошкент вилоятини ишсизлик минимал даражада бўлган ҳудудга айлантирмоқчимиз. Вилоятда бунинг учун ҳамма шароит бор, – деди Шавкат Мирзиёев.

Асосий эътибор экспортни кўпайтириш, янги бозорларни ўзлаштиришга қаратилмоқда. Хусусан, келгуси йили гуруч экспортини 500 минг АҚШ долларига етказиш мўлжалланган. Бундан ташқари, “TCT Cluster” кластерининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган тўрт босқичли лойиҳаси доирасида 114 миллион долларлик тайёр тўқимачилик ва тикувчилик маҳсулотлари экспорт қилиниши кўзда тутилган.

Шу ерда вилоятда қишлоқ хўжалиги ва тўқимачиликни ривожлантириш бўйича лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Қайд этилишича, 2021-2022 йилларда қишлоқ хўжалиги йўналишида мева-сабзавот, доривор ўсимликларни қайта ишлаш, музлаткич, агрологистика маркази, чорвачилик мажмуаси, иссиқхоналар барпо этиш, узумзор ва боғ яратиш каби лойиҳалар амалга оширилади.

Ушбу мақсадлар учун 218,4 миллион доллар, шу жумладан, қарийб 95 миллион доллар хорижий инвестиция йўналтирилиб, 7 минг 800 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган. Жумладан, жорий йил якунига қадар 40 минг гектар узумзор, 60 минг гектар боғ ташкил этилади.

Оҳангарон ва Паркент туманларида “Textile technologies group” масъулияти чекланган жамияти томонидан агросаноат кластери ташкил этилади. Қиймати 60,3 миллион доллардан иборат мазкур лойиҳанинг биринчи босқичи 2021-2022 йилларда амалга оширилиб, 40 минг гектар яйлов ва лалми ер майдони ўзлаштирилади.

Лойиҳанинг 2022-2023 йилларга мўлжалланган иккинчи босқичида эса 5 минг бош наслли қорамол, 50 минг қўй ва эчки боқиш йўлга қўйилиб, чорвачилик комплекси, сутни қайта ишлаш корхонаси, ёғ экстракцияси заводи, дон ва омихта емни қайта ишлаш корхонаси барпо этилади.

Чирчиқ – Тошкент вилоятининг энг йирик бешта шаҳридан бири. Пойтахтга яқинлиги, ишлаб чиқариш корхоналари кўплиги аҳоли сони ва уй-жойга бўлган талаб ортиб боришига сабаб бўлмоқда.

Шаҳарнинг “Шодлик” маҳалласида қурилган 4 та 16 қаватли уй аҳолининг ўсиб бораётган талабини таъминлашга қаратилган. Уларда жами 288 хонадон бўлади. Тўрталаси ҳам шу йил фойдаланишга топширилади.

Ушбу уйлар қисқа муддатда қуриб битказилади. Зилзилабардошлиги юқори, замонавий Hi-Tech усулида бунёд этилган. Йўлаклари кенг, ҳар бир йўлакка иккитадан лифт ўрнатилган. Чунки, бу уйларда хонадонлар сони кўп.

Уйларнинг шифти баланд, газ қувурлари фасад қисмидан ўтган. Бу ёнғин хавфсизлиги жиҳатидан ҳам ишончли. Ҳар бир квартира ёнғин ўчириш тизими ва газ анализаторлари билан таъминланган. Агар газ ҳиди чиқса, хонадонга келаётган табиий газ оқими автоматик тарзда ўчирилади.

Бу – Тошкент вилоятида қурилган дастлабки 16 қаватли уйлар бўлиб, Чирчиқ шаҳрига янги қиёфа бахш этган.

17 та хонадон ногиронлиги бор ҳамда уй-жойга муҳтож аёлларга, 15 таси ўз соҳасида алоҳида ўрнак кўрсатаётган ёш оилаларга ажратилган.

Президент Шавкат Мирзиёев қурилишнинг бориши билан танишди.

Шу ерда Чирчиқ шаҳрини ривожлантириш бўйича бош режа муҳокама қилинди. Янги тураржойлар қуриш, эски уйларни реновация қилиш, бўш турган бинолардан самарали фойдаланиб, Тошкент шаҳридаги айрим ишлаб чиқариш корхоналарини шу ерга кўчириш ҳамда янги лойиҳаларни жойлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

– Чирчиқни инновацион, инвестицион шаҳар қилиш мумкин. Шунинг учун ҳамма биноларни инвентаризациядан ўтказиш керак. Бу ерда ҳамма инфратузилма бор. Автомобиль ва темир йўлларнинг ўтказувчанлигини ошириш, жамоат транспортини ривожлантириш керак. Қулайлик яратилса, аҳоли ҳам, ишбилармонлар ҳам келади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Президент Чирчиқ шаҳар иссиқлик таъминот корхонасини ҳам бориб кўрди.

Чирчиқ шаҳрида жами 911 та кўп қаватли уйга 14 та қозонхона хизмат кўрсатади. Шулардан бири 1957 йилда қурилган. Бу қозонхона очиқ тизимда ишлайди. Яъни, шаҳар ичимлик суви тармоғидан сув олиб, уни иситиб, хонадонларга тарқатади. Бу ортиқча сув ва газ ёқилғиси сарфини юзага келтираётган эди.

Шу боис бу ерда Туркия технологияси асосида янги қозонхона барпо этилмоқда. Ушбу ускуналар автоматлаштирилган тизимда, ёпиқ усулда ишлайди. Бу дегани, сув кимёвий тозаланиб, иситилиб, сўнг кўп қаватли уйларга юборилади. Ушбу усулда сув марказлашган тармоқдан эмас, сизот сувлардан олиниб, ёпиқ тизимда ишлатилади.

Лойиҳанинг қиймати 16 миллион доллардан зиёд бўлиб, Жаҳон банки кредити асосида молиялаштирилади.

Янги қозонхонанинг қуввати 75 мегаватт бўлади. Қурилиш ишлари уч босқичда амалга оширилади. Модернизация натижасида шаҳарда 24 километр иссиқлик қувури тортилиб, 175 та кўп қаватли уй, 19 та ижтимоий соҳа объектлари иссиқлик тизими билан сифатли таъминланади. 12 миллион метр куб табиий газ, 3,4 миллион киловатт электр энергияси, 300 минг куб сув тежалади. Атмосферага чиқаётган 4,7 минг тонна газ ушлаб қолинади.

Бу мамлакатимизда татбиқ этилаётган дастлабки пилот лойиҳа бўлиб, Чирчиқ, Андижон, Самарқанд, Бухоро шаҳарлари ва Тошкентнинг Сергели туманида жорий этилиши кўзда тутилган.

Шу ернинг ўзида вилоятда электр энергияси, иссиқлик, ичимлик суви таъминоти ҳамда шаҳарларда коммунал хизматларни яхшилаш бўйича режалар тақдимоти ўтказилди.

Тошкент вилоятида энг кўп юқори қаватли уйлар Чирчиқ ва Ангрен шаҳарларида жойлашган. Чирчиқдаги кўп қаватли уйларнинг 352 тасида иссиқлик таъминоти мавжуд, қолганларида бошқа турдаги мосламалар ўрнатилган ёки умуман иссиқлик таъминоти етиб бормаган. Бу аҳоли турмуши ёмонлашувига олиб келаётган эди.

Тақдимот чоғида шу ҳақда маълумот берилди. Шаҳардаги 90 километр иссиқлик тармоқларининг 49 километри таъмирталаб экани айтилди.

44 та қозонхонадан 15 таси эскирган. Жорий йилда уларни мукаммал таъмирлаш, 4 та локал қозонхонани, 28 километр иссиқлик тармоқларини алмаштириш, уйларнинг иситиш тизимларини ўзгартириш кўзда тутилган. Булар бўйича тақдимот қилиниб, молиялаштиришни ҳал этиш ва куз-қиш мавсумигача ишларни якунлаш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Тошкент вилоятининг 7 та шаҳри ва туман марказларидаги 4 минг 948 та кўп қаватли уйга иссиқлик етказиб бериш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Ҳозирги кунда бу уйларнинг 48 фоизи иссиқлик манбаига уланган. 343 километр иссиқлик тармоқлари таъмирталаб. 133 та қозонхонадан 69 тасини янгилаш зарур.

Президент одамлар бу йил қишдаги каби совуқда қийналмаслиги учун қозонхоналарни босқичма-босқич янги тизимга ўтказиш юзасидан топшириқлар берди.

Вилоятдаги ичимлик сув тармоқларини янгилаш бўйича ҳам вазифалар белгиланган. Шу мақсадда 1 минг 57 та маҳалла ўрганилганда, 145 тасида марказлашган ичимлик суви йўқлиги маълум бўлди.

Жорий йилда вилоятда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 450 мингдан зиёд аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш чоралари кўрилади. Натижада ичимлик суви билан таъминлашни ҳозирги 68 фоиздан 80 фоизга етказиш режалаштирилган.

Президент Чирчиқ шаҳрига ташрифи чоғида “Ифтихор” маҳалласига кириб кўрди. Кўп қаватли уйларда яшаётган одамлар билан суҳбатлашди.

Давлат раҳбарининг маҳаллаларни айлангани бу гал ҳам аҳолининг кўнглини кўтарди. Одамлар очиқ юз билан Президентга пешвоз чиқди. Кимдир саломлашишга, кимдир ўз муаммосини айтишга ошиқди.

– Чирчиқ бир пайтлар донғи кетган шаҳар эди. Охирги вақтларда анча «чарчаб» қолганди. Бу деганим, трубалари эскирган, иссиқлик тизими “чарчаган”, сув тақчил, кўчаларни ёритиш йўқ. Тегирмон навбати билан дегандек, энди бу ерда ҳам барча шароитларни яратамиз. Саноатни кўтариш, иш жойлари очиш, йўлни, иссиқлик таъминотини яхшилаш бўйича катта ишларни бошлаяпмиз, – деди давлат раҳбари.

Шавкат Мирзиёев ҳудуддаги муаммоларни, аҳолининг талаб ва истакларини сўради. “Ифтихор” маҳалласидаги учрашувда тадбиркорлик қилмоқчи бўлган йигитга ер ажратиш бўйича шаҳар ҳокимига кўрсатма берди. Президентни кўришни орзу қилиб, давлат раҳбари олдига чиққан болакайни бағрига босиб суратга тушди.

Президентимиз “Лола” маҳалласида ҳам бўлди. Давлатимиз раҳбари маҳалла раиси, нуронийлар ҳамроҳлигида 35-уйдаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилага кириб, ҳол-аҳвол сўради.

“Лола” маҳалла фуқаролар йиғинида қарийб 3 минг нафар турли миллат вакиллари яшайди. Маҳалла аҳли ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатади.

“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га кирганларни иш билан таъминлашга ҳудуддаги 6 та тадбиркорлик субъекти ҳам ҳисса қўшаяпти. Жорий йилда бу ерда яна 2 та лойиҳа амалга оширилади.

Маҳалла раиси Муборак Абдураҳимова Президентга ҳудудда икки ярим йилдан буён жиноятчилик қайд этилмаганини айтди.

Президент йўл-йўлакай меҳнат фахрийлари билан ҳам самимий суҳбатлашди. Улар мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, Чирчиқ шаҳридаги ўзгаришлардан мамнун эканини айтиб, дуолар қилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Юқори Чирчиқ туманидаги “Евро Глобал Инвест” масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди.

Бугун юртимизда қурилиш кўлами кенг. Шу боис янгича дизайндаги темир-бетон материалларига талаб юқори.

Ўтган йили декабрда иш бошлаган “Евро Глобал Инвест” корхонаси йирик йиғма темир-бетон панеллари тайёрлашга ихтисослашган. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 40 миллион евро. 7 гектарлик ишлаб чиқариш майдонига Италия, Германия ва Австриядан замонавий линиялар келтириб ўрнатилган.

Корхона маҳсулотлари жаҳон стандартларига мос. Мазкур қурилиш материаллари ишлатилган уйлар таннархи бошқаларга нисбатан 30 фоиз арзон бўлади. Маҳсулотлар рангли қилиб тайёрланиши ҳам мумкин.

Кластер усулидаги корхона йилига 500 минг куб метр бетон маҳсулотлар ишлаб чиқариш, 1 миллион тонна тош майдалаш, яна шунча асфальт тайёрлаш қувватига эга. Бу ерда, шунингдек, ички ва ташқи эшиклар, дераза ромлари, мебеллар ҳам ясалмоқда.

Давлатимиз раҳбари материаллар ишлаб чиқариш ва қурилишнинг тўлиқ «занжири»ни ташкил этиб, уй-жойлар нархини янада арзонлаштириш, кўпроқ ёшларни ишга жалб этиш зарурлигини таъкидлади.

– Шундай кластерларни бошқа ҳудудларда, Самарқанд ва водий вилоятларида ҳам кўпайтириш керак. Қурилишда энг муҳими нарх, сифат ва муддат. Шунинг учун рақобатбардош қурилиш материаллари тури кўп бўлса, нарх-наво арзонлашади. Бу корхонада малакали мутахассислар тайёрлаш учун марказ ташкил этиш керак, – деди Президент.

Корхонада айни пайтда 850 нафар ишчи меҳнат қилади. Йил якунигача иш ўринларини 1 минг 500 тага етказиш режалаштирилган.

Шу ерда 2021-2022 йилларда Тошкент вилоятида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари тақдимоти ўтказилди.

**ЎзА**

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



# ТЎҚСОНнинг "БЕЛИНИ СИНДИРГАН" ОТАХОН

Шукроналик

***Кўкда варрак учираётган болаларни кўрган ҳар инсонда ҳавас, шижоат жўш уриб кетади. Боликка қайтиб, ҳамма ташвишларни унутиб, варрак ортидан югургиси келади.***

Наврўз байрамида миллий қадриятларимиз билан чамбарчас боғлиқ бўлган ажойибу ғаройиб ўйинларимиз бўй кўрсатади. Невараларига ҳар баҳор варрак ясаб беришни канда қилмайдиган оққўрғонлик Содиқ бобо байрам арафада тўқсонни қарши олади.

– Шу кунларда тўқсоннинг ҳам белини синдираман, – дейди ҳазиллашиб Содиқ бобо. – Умр бўйи катта-кичик сўқмоқлардан юриб, яхши-ёмонни кўрдик, уруш йиллари машаққатларини ўтказдик, отасиз катта бўлдик. Бизнинг ёшлигимизда бунақа байрамлар қайда эди? Лекин, халқимиз бир зум ҳам ўз анъаналарини унутган эмас. Наврўз кезлари кураш тушардик, арқон тортардик, улоқ чопардик, варрак учирардик. Аммо, бундай хурсандчиликлар кетидан ҳамиша турмуш машаққатлари ўзини эслатиб турар, байрамлар ҳам татимас, одамлар бир бурда нон ташвишида кун ўтказарди.

Онамнинг гапларини эсласам, қуёш ҳамал буржига кирадиган, яъни кун ва тун тенглашадиган Наврўз санасида дунёга келган эканман. Шукрки, мустақиллик йилларига етказди. Фарзандларимиз камолини, невараларимизнинг қувончини кўриб яшаяпмиз. Бу кунларни кўз қорачиғидек асраш керак, – дейди Содиқ бобо.

**Нодир ҚУЛМАТОВ**
**/Тошкент ҳақиқати/**
**ёзиб олди**



# Боқий қадриятлар “ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ”

Байрам кунларида турли-туман халқ ўйинлари, баҳор қўшиқлари ижро этилган. Китобхонликлар, жисмоний тарбияга оид совринли ўйинлар, мусобақалар ташкил этилган. Кўпкари-улоқ, кураш, аскиябозлик, дор ўйинлари, турли хил халқ томошалари ўтказилган.

Наврўз – меҳнат, меҳр-оқибат, инсонпарварлик байрами. Бу кун марҳумларнинг қабрлари зиёрат қилинади. Кекса, ногирон, ёлғиз қариялар, ота-оналар йўқланади. Кишилар бир-бирларига совға-саломлар улашиб, ширинликлар ҳадя этишади. Шунингдек, бу кун муҳаббат, севги, садоқат байрами сифатида ҳам эътироф этилади. Олдинлари Наврўз муносабати билан никоҳ тўйлари ўтказилган. Йигит-қизлар бир-бирлари билан аҳду паймон қилишган. Янги тушган келин қўлидан чой ичиш мақсадида “келин кўрди”га борилган.

Юқорида айтиб ўтилган удумлар дарёдан бир томчи, холос. Аслида Наврўз қадриятларни ўзида жамлаган улкан энциклопедия мисолидир.

Наврўз байрамига оид маълумотлар турли тарихий асарларда ҳам учрайди. Хусусан, Абулқосим Фирдавсий "Шоҳнома" асарида унинг вужудга келишини шоҳ Жамшид номи билан боғлаган бўлса, Наврўзга оид маълумотларни Абу Райҳон Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар", Маҳмуд Кошғарийнинг "Девони луғотит-турк", Умар Хайёмнинг "Наврўзнома" асарларида ҳам кўриш мумкин. Бундан ташқари, "Бухоро тарихи" номли асар яратган Абу Бакр ал-Наршахий бундан уч минг йил олдин Наврўзга доир анъаналар ҳақида ёзади.

Наврўз байрами шўро тузуми ҳукмронлиги даврида ҳеч қандай асосларсиз диний байрам деб топилиб, бошқа кўплаб маросимлар қаторида тақиқлаб қўйилди. Мустақиллигимиз қўлга киритилгач, Наврўз умумхалқ байрами сифатида қайта тикланиб, юртимизнинг ҳар бир гўшасида 21 март куни кенг нишонланиб келинмоқда.

Наврўз 2009 йил 30 сентябрда ЮНЕСКО томонидан номоддий маданий мерос рўйхатига киритилган бўлса, 2010 йил 23 февралда эса БМТ Бош Ассамблеясининг 64-сессиясида 21 март – Халқаро Наврўз куни деб эълон қилинди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

**Суҳроб САДИРОВ**
**/Тошкент ҳақиқати/**


Эълон

## ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

**“Ўзбекистон почтаси” АЖ Тошкент филиали ўз балансида бўлган Паркент тумани, “Кичиккўрғон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган Хисорак почта алоқа бўлими биносини давлат хусусий шерикчилиги асосида бузиб, қайта қуриш бўйича тадбиркорларни ҳамкорликка таклиф қилади.**

*Ҳамкорлик бўйича таклифларни эълон берилган кундан бошлаб 10 кун давомида қуйидаги манзилга юборишингиз мумкин.*

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Муҳаммад Юсуф (собиқ Дагестанская) кўчаси, 54-уй. Телефонлар: (71) 267-16-49, (71) 208-28-98.**

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигига



# Шиор баҳона қурилган СУҲБАТ...

Хусусан, яшариш ва янгиланиш айёми – Наврўз кунлари улуғ шоир, бетакрор истеъдод соҳиби сифатида нафақат Ўзбекистонда, балки яқин ва узоқ қўшни давлатларда ҳам эътироф топган Абдулла Ориповни хотирлаймиз. Албатта, Абдулла Ориповнинг ўзи бўлмаса-да, ижод маҳсули бўлган китоблари, эҳтиросли сатрлари кириб бормаган ўзбек хонадони камдан-кам топилади. Менга ана шундай ижодкор ва файласуф инсон билан бир неча йил ҳамкорликда ишлаш, елкадош бўлиш, ҳатто хонадонларида дилдан суҳбатлар қуриш бахти насиб этганидан фахрланаман.

Баъзан хизмат юзасидан, айрим пайтлари бирон-бир тадбир баҳонасида Абдулла ака билан кўп учрашганмиз, мулоқотларда бўлганман. Аслида, Абдулла Орипов билан кечган ҳар галги суҳбатнинг ўзи бир – тарих, ўзи бир – сабоқ. Лекин, мен бугун ўртамизда бўлиб ўтган илк мусоҳабани айтиб бермоқчиман.

...1994 йилнинг август ойида вилоят ҳокимининг фармойиши билан “Тошкент ҳақиқати” газетасига бош муҳаррир этиб тайинландим. Ўз-ўзидан янги бош муҳаррир сифатида менга газетанинг ўқимишлилигини ошириш, мазмун-мундарижасини бойитиш, керак бўлса, нашрнинг дизайнини янгилаш юзасидан бир қатор топшириқ ва вазифалар юкланди. Шундан келиб чиқиб, ишни рассом ва дизайнерлар билан газетанинг номини янги шрифт ва ҳарфларда ёзиш бўйича бошладик. Улар ёрдамида тайёрланган беш-олти хил вариантдаги нусхалар танлаш учун вилоят ҳокимлигига тақдим этилди. Иш охирига етгач, “Тошкент ҳақиқати” деб ёзилган ва ҳозиргача чиқиб келаётган газетанинг номи (шапкаси) билан газетанинг навбатдаги сони саҳифаланди. Биринчи саҳифани ўқийман, лекин асосий эътиборим газетанинг номида. Қайта-қайта қарайман, нимадир етишмаётгандек туюлаверди. Бирдан хаёлимга номга умумий шиор қўйиш фикри келди. Бўлим бошлиқларини йиғдим ва уларга газетага ҳар қандай замон ва маконда ҳам ўзгармайдиган, жамият ва давлат манфаатларига бирдек мос келадиган шиор топишимиз кераклигини айтдим.

Ўзим ҳам изланишга тушдим. Бир ҳафта олдин ҳокимликдаги китоб дўконидан харид қилинган давлат рамзлари тўғрисидаги рисолани қўлимга олиб варақлай бошладим. Рисоланинг биринчи боби Ўзбекистон Республикасининг мадҳиясига бағишланган эди. Мадҳияни ўқий бошладим. Шу алфозда бирдан дилим равшан тортиб кетди. Чунки, Абдулла Ориповнинг қаламига мансуб мадҳиямиздан ўзим истаган “Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!” деган, эзгу ниятли сўзларни топган эдим. Газетанинг шиори сифатида мадҳиямиздаги мана шу сатрни қўйиш тўғрисидаги таклифим ҳаммага маъқул тушди.

Энди буни амалга ошириш учун мадҳиямиз муаллифи Абдулла Ориповнинг розилигини олиш қолган эди. Дарҳол газетанинг “Маданият, санъат ва адабиёт бўлими” мудири бўлиб ишлаётган Зарифа Эралиевадан Абдулла аканинг телефон рақамларини топишни сўрадим. Сўнгра Абдулла ака билан боғландим ва мадҳиядаги юқоридаги сатрни “Тошкент ҳақиқати”нинг шиори қилиб қўймоқчилигимизни айтдим ва шоирнинг жавобини озгина хавотир, айни пайтда, умид билан кута бошладим.

– Фатҳиддинбой, (Абдулла ака ҳамиша менга шундай деб мурожаат қилар эдилар) очиғи, таклифингиз мен учун кутилмаган воқелик бўлди, – деди халқ шоири ўзига ярашадиган босиқ оҳангли товушда. – Лекин, “Тошкент ҳақиқати”дек обрў-эътиборли газетада қаламимга мансуб бундай сўзларнинг туриши мен учун ҳам ниҳоятда қувончли ҳодиса. Розиман, ниятим – ҳақсевар она юртимизда ҳақиқатпарварларнинг сафи ортаверсин.

Шундай қилиб “Тошкент ҳақиқати” газетасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг тўрт йиллигига бағишланган 1994 йил 1 сентябрдаги сони улуғ шоиримиз Абдулла Ориповнинг давлатимиз мадҳиясидаги “Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!” сатрлари қўйилган шиор билан чоп этилди ва ҳалигача бу сўзлар газетанинг номига ўзига хос салобат, мазмун-моҳият ва маъно бағишлаб келаётганидан мамнун бўламан.

Орадан кўп ўтмай Абдулла Орипов ўзининг бир туркум янги шеърларини “Тошкент ҳақиқати” газетаси ўқувчиларига тортиқ қилди.

Яна бир гап шуки, ушбу воқеа сабаб мадҳиямиз муаллифини ҳар йили 10 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинган кун муносабати билан муборакбод этадиган бўлдим. Абдулла ака ҳар сафарги табрик баҳона мадҳиямиз матнининг яратилиш тарихи, унинг илк бор куйланиши ҳақида завқ билан ҳикоя қилиб берар эди.

Минг афсуски, бугун орамизда Абдулла Орипов йўқ. Лекин, эл суйган шоиримиз билан мулоқотлар асло тўхтаб қолмайди. Энди суҳбатлар у қолдирган катта маънавий мерос – бетакрор шеърияти ва яратган асарлари орқали давом этади.

**Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ**

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Моҳият

# ТАФАККУРНИНГ МАНГУ МАШЪАЛИ

**21 март – Халқаро Шеърият куни 1999 йилда ЮНЕСКО Бош конференциясининг 30-сессиясида тасдиқланган бўлиб, бу йил мазкур байрам 22-маротаба нишонланади.**

***Бутунжаҳон Шеърият кунининг тарихи 1938 йилдан бошланади. Айнан ўша вақтда таниқли шоира Тесса Суизи Уэбб бундай кунни байрам сифатида нишонлаш ташаббуси билан чиқди, бу ташаббусни Американинг Огайо штати қўллаб-қувватлади ҳамда қадимги рим шоири Вергил туғилган кун, 15 октябрни – Шеърият куни деб эълон қилди. 1950 йилга келиб Шеърият кунини нишонлаш Америка учун анъанага айланди. Мексикада эса бу кун Миллий шеърият куни сифатида нишонланган. Европа мамлакатлари ҳам бу анъанани қўлладилар. Гарчи байрам расман тан олинган бўлмаса-да, лекин бутун дунёга тарқалиб улгурди. Ва фақат 1998 йилда Марокконинг ташаббуси бўйича ЮНЕСКОнинг Бош Ассамблеяси Бутунжаҳон Шеърият кунини эълон қилиш тўғрисидаги таклифни кўриб чиқиш учун киритди.***

Шеърият ҳамиша жамиятнинг ажралмас қисми бўлиб келган. Уни ҳар бир маданиятда ва ҳар қайси қитъада топиш мумкин. Шеърият мамлакатларни, халқларни, маданиятларни бирлаштиради ва инсонларнинг бир-бирларини тушунишларига ёрдам беради. Асрлар давомида шеърий шаклга йўғрилган фикр ва ҳис-туйғулар одамлар қалбига сингиб боради.

Замонавий инновацион технологиялар асримизда – бизни кино, онлайн ўйинлар ҳамда даҳшатли куч билан ўзига тортаётган интернет эгаллаб олаётган бир вақтда шеърият сояда қолгандек кўриниши мумкин. Аммо, бир қарашда қандай туюлишидан қатьи назар, шеърият керак ва у мавжуд. Шеъриятда сўзнинг сеҳрли жозибаси инсоннинг руҳиятига шунчалик даражада таъсир кўрсатадики, инсон ўзини гўёки баландликнинг юксак чўққисидадек ҳис қилади. У худди мусиқа каби, баъзан ичимиздаги айтолмайдиган, ифодалаб бера олмайдиган, лекин кўпинча, сатрларга битадиган ўша тушунарсиз ҳис-туйғуларимизни ифода этишга имкон беради. Шеърда оҳанг бор, мусиқа бор. У аввал қалбга, сўнгра хотирага муҳрланади. Натижада, сўз мағзида нимаики бўлса, қалб ўша билан тарбия топади. Шеърият учун воқеа ва тафсилотлар тасвири эмас, балки инсон руҳияти ифодаси муҳимдир. Шеърият, асосан, инсон туйғуларига таъсир кўрсатиш воситаси саналгани учун ҳам унинг мусиқийлиги, оҳангдорлиги ва жарангдорлигига алоҳида эътибор берилган. Шеърият намуналари фақат мазмуни билан эмас, балки ифода тарзи орқали ҳам ўқувчилар ва тингловчиларни ром этган.

Шеърият – эркинликнинг акс этиши, сўз қудрати ва ҳар бир халқ, миллат маданиятининг ажралмас қисмидир. Шеърият жамият ва табиатда рўй берган ҳаётий ҳодисани бадиий ҳодисага айлантириш воситаси ҳамда шахсий кечинмаларни, шоирнинг бетакрор ва ҳақиқий ҳисларини ифода қилишнинг йўли сифатида ривожланиб келмоқда. Шеър ва адабиёт маънавият ва маърифатни оширадиган воситалардан биридир. Яхши шеърга ва адабиётга ошно бўлиб ўсган инсондан асло ёмонлик чиқмайди.



21 март – Халқаро шеърият кунида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, ўзбек шеъриятининг классиги Абдулла Орипов таваллуд топган. Бу йил у 80 ёшга тўлган бўлар эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш доир қарорига асосан юртимизда шоирни хотирлаб турли тадбирлар, видеоанжуманлар ўтказиб келинмоқда. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҳам видеоанжуман шаклида хотира тадбири ўтказилди.

Шоир таваллудининг 80 йиллиги арафасида Акмал Саидов, Ғулом Мирзо ва Қаландар Абдураҳмоновлар ҳаммуаллифлигида “Ўзбекистон – дилбар Ватаним” номли китоб нашрдан чиқди. Унда адиб ҳақида турли йилларда нашр этилган мақолалар, эссе ва тақризлар ўрин олган.

**Лобар РЎЗИҚУЛОВА,**
**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Таҳририят-нашриёт бўлимининг етакчи мутахассиси**

*Реклама ҳуқуқи асосида*

# "ЯНГИ КУН"га ЯНГИЧА ҚИЁФАДА



**Тошкент туманидаги Фтизиатрия ва пульмонология марказида Бутунжаҳон силга қарши кураш куни ва Наврўз байрами муносабати билан ходимлар ўртасида югуриш мусобақаси ташкил этилди. Эътиборлиси, марафонда барча катта қизиқиш билан иштирок этди, ғолиб ва совриндорларга эсдалик совғалари топширилди.**











Маросимнинг иккинчи қисмида вилоятнинг турли даволаш масканларидан таклиф этилган шифокор мутахассисларга давлатимиз раҳбари қарори асосида қайтадан тўлиқ таъмирдан чиқарилган бинолар таништирилди. Ҳозирда бу ерда дастлабки реконструкция ишлари тугалланган, иккиламчи таъмирлаш ва пардозлаш ишлари давом эттирилмоқда.

Шифо маскани раҳбари Тўлқин Зияевнинг таъкидлашича, бугунги кунда марказда 30 ўринли пульмонология бўлими фаолият юритмоқда.

Меҳмонларга, шунингдек, марказда ўпка ва сил касаллигини даволашда қўлланилаётган жарроҳлик амалиётининг замонавий усуллари ҳақида маълумот берилди.

Таъкидлаш жоизки, марказ шифокорлари томонидан шаҳар ва туманлар бўйича доимий мониторинглар ўтказилиб, касаллик аниқланганларга амалий ёрдам бериб келинмоқда.

Дарвоқе, коронавирус пандемияси даврида вилоят фтизиатрларининг жонбозликлари таҳсинга сазовор бўлди. Жумладан, карантин эълон қилинган дастлабки кунданоқ вилоятнинг коронавирусни даволаш учун ажратилган шифохоналарга ётқизилган беморларнинг рентген ва МСКТ хулосалари марказ шифокорлари томонидан онлайн консультация қилинди ва хулосалар бериб борилди. Айниқса, марказ раҳбари Т. Зияев энг оғир пайтларда ҳам ходимлар билан биргаликда туну кун масъулият билан меҳнат қилиб, пневмонияга чалинган беморларни даволашди.

Тадбирга йиғилганлар байрам дастурхони атрофида жам бўлишди. Куй-қўшиқлар шўхчан рақсларга уланди.

Маросимда бир гуруҳ шифокорлар ташаккурнома билан тақдирланишди.

**Суҳробжон САДИРОВ**
**/Тошкент ҳақиқати/**
*Аброр ЭСОНОВ олган суратлар*

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

*Муассис:*
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

*Бош муҳаррир*
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Нашр кўрсаткичи – 205. Буюртма Г-335. 4 932 нусхада чоп этилди. Ҳажми – 2 табоқ. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А–2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 233-64-95
Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10
Масъул котиб: (71) 233-90-82
Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-54-10

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
**Электрон почта:** toshkenthaqiqati@umail.uz

**Манзилимиз:**
111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.
**Тошкент шаҳридаги офисимиз:**
100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.
*Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.*

Навбатчи муҳаррир
**Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА**
Назоратчи мусаҳҳиҳ
**Аллома АЗИЗОВА**
Навбатчи
**Жавлон ХАЛИЛОВ**

**ISSN 2010-9318.** *Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 00.00* 1 2 3 4 5 6

Реклама ҳуқуқи асосида








